


Сувни асранг, тежанг ва юқори даромадга эга бўлинг

Сувни асранг, тежанг ва юқори даромадга эга бўлинг



**Музработ туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгashi Раёсатининг мурожаати**

Ҳурматли фермер ва дехқонлар, сувни тежанг ва қадрланг!

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сувни тежаш, ундан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, исроф бўлишига барҳам бериш орқали биз келгуси авлодларимиз олдидаги энг олий бурчимизни ҳам бажарган бўламиз.

Маълумки, жорий йилнинг 7-ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида “Қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ўтказилган йиғилишда 2025-йил сув хўжалигида “Насослар самарадорлигини ошириш йили” деб эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-йилда 2 миллион гектар ерни суғориш учун 8,3 миллиард киловатт электр энергияси сарфланган бўлса, жорий йилда 2,5 миллион гектар ерни суғоришга 1 минг 600 дан зиёд насос станциялари учун 6,8 миллиард киловатт электр энергияси сарфланган.

Келгуси йилда эса, давлат хусусий шериклик асосида тежамкор насос ва қуёш панелларини ўрнатиб, 20 фоиз электрни тежамкорликка эришиш мумкин.

Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг бирдан-бир йўли – рақамлаштириш экани аёнлашиб бормоқда. Шу боис сув хўжалигини рақамлаштириш маркази ташкил этилиб, сув истеъмоли ва уни ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади. Бу эса “онлайн” назорат ва “ақлли сув” қурилмасидан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қилишда қўл келади.

Мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш борасида йиллар давомида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, ўтган йили 2 миллион гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилингани натижасида 2 миллиард метр куб сув тежалди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий этилган фермерларга лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан текисланган ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари харажатларининг 100 фоизини қоплаш мақсадида, 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими Хоразм вилоятига ҳам жорий этилади.

Пахта ва ғалла майдонларига ўрнатилган сув тежовчи ускуналар учун бир йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга ҳар бир гектарга 25 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Томчилатиб суғориш тизими ўрнатилганда ҳар гектар сабзавот, картошка, узум, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун гектарига 8 миллион сўмдан, мевали экинларга 6 миллион сўм ва полиз экинларига 1,3 миллион сўм субсидия берилади.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этган фермер хўжаликларига субсидия ажратилади ва шу экин ерлари беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинган ва сув ҳисоблагич ўрнатилганда сув солиғидан 30 фоиз имтиёз берилади.

Келгуси йилда ҳам ушбу мақсадлар учун 700 миллиард сўм субсидия, 2,5 триллион сўм кредит ажратилади.

Бу имкониятлар фермер ва дехқонларимизни янада руҳлантиради, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

Сувни ҳар ким ўзи ва келажак авлод учун тежаши зарур!

Хабарингиз бор, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган 91 фоизи сув ресурсларининг бешдан бир қисми юртимизда, қолгани эса қўшни давлатлар ҳудудида шаклланади. Бу ҳам бизни ҳушёрликка чорлаши керак!

Азиз миришкорлар!

Глобал иқлим ўзгаришлари, минтақамизда ёғингарчилик миқдорининг йилдан-йилга камайиши сув ресурсларига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Қолаверса, соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2040-йилга бориб Марказий Осиё давлатларининг айrim ҳудудларида сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробарга ошиши мумкин.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг яна бир воситаси ирригатсия тармоқларини қуриш, реконструксия қилиш, таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш, 18 минг км магистрал ва 94 минг км ички каналларни бетонлаштириш орқали сув тежамкорлигига эришишdir.

Мамлакатимизда сўнги йилларда сув тежовчи технологияларни қўллаётганларнинг сони йилдан-йилга ортмоқда. Айниқса, ерни лазерли ускунасида текислаш, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулида суғориш оммалашмоқда.

Тажрибали дехқонлар яхши биладики, томчилатиб суғориш далага эмас, ўсимликка сув бериш дегани. Анъанавий суғоришда ўғит сувга оқиб, зовурларда қамишни кўпайтираётган бўлса, томчилатиб суғоришда ўғит айнан экинларга бир хил етказиб берилиши ҳисобига ҳосилдорлик ошмоқда.

Сиз ҳам илғорлар ва тежамкорлар сафига қўшилинг, “Сув зар – сувчи заргар” деган мақол бежизга айтилмаган. Қишлоқ хўжалигига заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланинг! Тежамкорликнинг замонавий усувларини қўллаб, сув беҳуда сарф бўлишига йўл қўйманг, бу борада бошқаларга намуна бўлинг!

“Отанғ мироб бўлса ҳам, ариғингни чуқур қазгин”, деган нақлга амал қилиб, ишни куз-қиши мавсумида ўз ҳудудингизда қуйидаги ишларни амалга оширишингиз зарур:

биринчидан, ерни лазерли текислаш ишларини бажариб, сув тежовчи технологиялардан (томчилаш, ёмғирлаш, дискрет) кенг фойдаланинг!

иккинчидан, сув тежамкорлигига эришиш мақсадида магистрал ва ички каналларни бетонлашда фаол иштирок этинг!

учинчидан, эски насосларнинг ўрнига янги, энергия тежамкор насосларни ўрнатишга шошилинг!

тўртинчидан, қуёш панеллари ўрнатиб, электр энергия учун харажатларни камайтириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришинг!

бешинчидан, ердан самарали фойдаланиб, юқори ҳосилдорликка эришинг ва даромадингизни оширинг!

Музработ фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раёсати аъзолари